

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ, ИЛМИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

П.Қалжанов – катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: болалар спорти, жисмоний тайёргарлик, ривожланиш, кўникма, тарбиялаш.

Ключевые слова: детский спорт, физическая подготовка, развитие, умения, воспитание.

Key words: children's sports, physical training, development, skills, education.

Болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний тайёргарлигига қараб танлов ўтказиш ва уларнинг жисмонан ривожланишига эътибор қаратишдир.

Бугунги кунда назарий, амалий ва услубий томондан ўқувчиларни, бўлажак спорт мутахассисларини ҳар томонлама тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши ва бир вақтнинг ўзида спорт турлари бўйича спорт маҳоратининг ошишига туртки бўлади. Ушбу мақола айнан шу масалалар таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда болалар спортини ривожлантиришнинг турли йўналишдаги илмий-назарий ва услубий жиҳатлари тадрижий тарзда ёритиб борилади. Мақолада келтирилган фактлар кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик тажрибалар асосида юзага келган бўлиб, унда янги миллий шароитдан келиб чиққан ҳолда янгича усулларни ишлаб чиқишга, гуруҳ тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Бу эса болалар спортини ривожлантириш йўлидаги муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Болалар спортини ривожлантиришда бир қатор иқтисодий, ижтимоий муаммолар ҳам учраб туриши табиий. Чунки бозор иқтисодиёти жараёнида спорт жиҳозлари тан нархининг ортганлиги, номунтазамлиги, уларни пул кўчириш йўли билан сотиб олишдаги бир қатор муаммоларни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болалар билан ўтказилган сўров ва суҳбатлар шуни кўрсатадики, улар атрофда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришларга, шу жумладан, жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги ҳодисаларга ўз муносабатларини билдирадилар. Ҳоҳ ижобий ҳоҳ салбий ҳолатлар бўлсин, болаларда бу каби ўзгаришларга тезда кўникиб кетиш хусусиятлари мавжуд. Болаларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялашда кўзланган тамойилларга амал қилиш яхши натижа беради.

Болалар тарбияси деганда, биз аввало, кўз олдимизга ёш ўсмирларни келтиришимиз керак. Ёш болаларни педагогик нуқтан назаридан қонуний тарбиялаш қийин, чунки уларни қандай тарбияласак ва ундасак, улар шу ишларни қилишади. Чунки уларда қабул қилиш малакалари, тезда табиий ҳолатларга мослашуви юқори даражада ривожланганлигини тарихий ва замонавий педагогика ҳам тасдиқлайди. Болаларни оммавий спорт турларига жалб қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Негаки машғулотлар спорт турлари билан шуғулланадиган болаларнинг ёши, жинси, жисмоний ривожланганлигини эътиборга олиб ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. 11-12 ёшга етган болаларни спорт турларига йўналтириш мақсадли ва мазмунли бўлиши керак. Айниқса, болалар шу ёшга етгандан кейин уларни анатомик-физиологик тузилишлари, улғайиши ва иш қобилияти ривожланиб боради. Бу ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаолиятидаги ривожланишини олиб қарайдиган бўлсак, бунда болалар ҳаракати бир кунда 40-45 минг кадамни ташкил қилмоқда. Шундай экан, болаларни қобилиятига қараб ва спорт турларининг мураккаблиги инobatга олинган ҳолда спорт турларига жалб қилиш ва машғулотларни ташкил қилиш яхши натижа бериши,

шубҳасиз.

Мақтаб ёшидаги болалар билан олиб бориладиган спорт машғулоти ва мусобақалар жараёнида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш мақсад қилиб олинади;

- болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш;
- мактаб ўқувчиларини ҳар томонлама гармоник ривожлантириш, ўқувчиларнинг жисмоний ва спорт маҳоратини ошириш;
- жисмоний сифатларни тарбиялаш ва ҳаракат кўникма-малакаларини ривожлантириш;
- кундалик меҳнат фаолиятини яхшилаш,
- болаларда миллий истиклол ғояларини шакллантириш, маънавий-маърифий тамойиллар асосида, жамоатчилик руҳида тарбиялаш;
- умумтаълим мактаб жамоаси учун захирадаги спортчиларни тайёрлаш.

Бу мақсадларни амалга оширишда умумтаълим мактабларининг фаолияти турли синфларда, дарсда ва дарсдан, мактабдан ташқари вақтларда ўқув спорт машғулотларини мақсадли, замонавий илғор педагогик технологиялар асосида ташкил қилишга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши шарофати билан болалар ўртасидаги жисмоний маданият ва спортга эътибор сезиларли даражада кучайди. «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги қонун» (1992 й., 14 январь), «Ўзбекистон футболни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари ҳақида» (1996 й., 16-март), «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш ҳақида» (1999 й., февраль) каби қонун ва қарорлар, Миллий Олимпиа Кўмитаси (1992 й., январь), «Соғлом авлод фонди» (1993 й.) каби инфратузилмаларнинг тузилиши кабилар бунинг ёрқин мисолдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси футболни ривожлантириш ташкилий ассоциацияси ва тамойилларини тубдан ўзгартириш ва қайта ташкил қилиш, «Ал-помиш» ва «Барчиной» махсус тестлари (1999 йил 27 май 271-сонли), «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари», «Соғлом авлод» давлат дастури (2000 й., 15 февраль), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонуннинг янги таҳрири (2000 й., 26 май), «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш» (2002 й., 24 октябрь) каби қонуний ҳужжатлар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан дарак беради. Бу қарор ва қонунлар жисмоний маданият ва спортни ривожлантиришга қаратилган, албатта.

Хозирги жараёнда болалар спортини ривожлантириш муносабати билан умумтаълим мактабларида спорт турлари бўйича махсус спорт синфлари ташкил қилиниб, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини янада яхшилаш масаласи кўриб чиқилмоқда. Шаҳар, туман ва вилоят марказларида ҳокимликлар ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармалари томонидан махсус битимлар асосида болалар спортини янги, юқори босқичга кўтариш бўйича имкониятлар яратиб берилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Талаба» спорт уюшмаси ташаббуси билан уч босқичли спорт мусобақаси тизими ташкил қилинди. Мазкур «Уч босқичли» спорт мусобақалари тизимидан ўрин олган «Умид ниҳоллари» мусобақалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида «Қувноқ стартлар» каби

мусобақалар ва ҳаракатли ўйинлар ўтказилиши спортни янада ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Охириги пайтларда умумтаълим мактабларида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» мусобақалари таркибига кирувчи спорт турларидан I-II-III босқич мусобақаларида ҳар бир мактабдан 40-50% ўқувчилар қатнашиб, ўзларининг спорт маҳоратларини ошириб келмоқдалар.

Болаларнинг спорт тайёргарлигини, жисмоний ривожланганлигини аниқлашнинг назарий асос ва тамойиллари илмий-тадқиқот йўналишларида бош омил бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт институтининг вилоятлардаги филиалларининг жисмоний маданият факультетлари, Олимпия академияси томонидан илмий-тадқиқот

ишлари олиб борилиши натижасида умумтаълим мактабларида «Жисмоний маданият ва спорт назарияси, услубияти» фани юзага келди. Бу, ўз навбатида, болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам янги усуллар, спорт машқ тизимлари, спортчиларнинг умумий, ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи ва назорат қилиб боровчи педагогик технологиялар юзага келиши учун замин ҳозирламоқда. Болалар спорт тарбияси тушунчаси янги тушунча сифатида ўртага ташланмоқда. Бу ҳам янги, яъни спорт тарбияси педагогик жараёнларининг таркибий қисмидир. Чунки ҳар бир спортнинг ўзига хос бўлган тарбия йўналиши мавжуд. Бу эса тарбия соҳаларининг мақсад ва вазифалари шаклига қараб ташкил этилади.

Адабиётлар

1. Ярашев Қ.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. –Т: Абу Али Ибн Сино, 2002.

2. Болалар спортини ривожлантиришга бағишланган Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Фарғона: 2003.

РЕЗЮМЕ. Мақолада болалар спортини ривожлантиришнинг ташкилий, илмий-услубий асоси сифатида жисмоний тарбия бўйича турли илмий манбалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Машғулотлар спорт билан шуғулланувчи болаларнинг ёши, жинси ва жисмоний ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келинади.

РЕЗЮМЕ. В статье акцентируется внимание на использовании различных научных источников по физическому воспитанию как организационной, научной и методической основе развития детского спорта. Сделан вывод, что тренировка целесообразна, если она организована с учетом возраста, пола и физического развития детей, занимающихся спортом.

SUMMARY. The article focuses on the use of various scientific sources on physical education as an organizational, scientific and methodical basis for the development of children's sports. It is concluded that the training is appropriate if it is organized taking into account the age, gender and physical development of the children involved in sports.

KURASH MASHG'ULOTLARIDA KURASHCHILARNING MA'NAVIY MADANIYATINI TARBİYALASH MASALALARI

P.Sh.Mirzambetov – katta o'qituvchi

R.D.Urazov – assistent o'qituvchi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: kurash mashg'ulotlari, ma'naviy borlik, axloqiy ideal, intellektual rivojlangan, yuksak ma'naviyat, salohiyat, qadriyat, yuksak axloqiy tarbiya.

Ключевые слова: тренировка борьбы кураш, духовное воспитание, процесс воспитания, духовный идеал, интеллектуальное развитие, высокое моральное воспитание, гармоничное развитие молодёжи, моральный статус.

Key word: free-style wrestling training, spiritual education, process of upbringing, spiritual idol, intellectual education, high moral education, harmoniously developed youth, moral status.

Insonning jismonan, qalban va ruhan salomatligi jamiyat taraqqiyotining asosiy negizini belgilab beradi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kurash" milliy sport turini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarorini (2017-yil 2-oktabr) amalga oshirish "Kurash" milliy sportini butun dunyoda yanada rivojlantirish va ommalashtirish, jamiyatda sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, yoshlarni vatanparvarlik, milliy g'urur va Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, o'sib kelayotgan avlodda mardlik, kuchli iroda, olijanoblik va raqibga hurmat kabi sifatlarni shakllantirishga xizmat qiladi.

Ma'naviy yetuk inson deganda, jismonan baquvvat, irodali, sabrli, g'alabalar uchun kurashuvchi va intiluvchan insonlarga berilgan ta'rif sifatida tushunamiz. Ma'naviy barkamollikka berilgan bunday munosabatlardan jismoniy yetuklik ham o'z o'rnini egallashi jamiyatimizning rivojlanishida muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

Kurashning ko'p ming yillik tarixini chuqur o'rganish natijasida haqiqatan ham kurash azaldan polvonlarning jismoniy va ma'naviy yetukligi namunasi sifatida sharaftopganligini, qadrlanganligini tasdiqlaydi. Shu bois, polvonlarning jismoniy baquvvatligi, navqiron qaddi-qomati yoki kurashchanlik, harakatchanlik, chaqqonlik va epcillik jihatlari bir tomonu, ularning keng davrada o'zlarini qanday tutishi, odob-axloqi, ma'naviy qiyofasi, raqibiga muomalasi, jamiyatga, tevarak-atrofga munosabati, vatanparvarligi alohida o'rin tutgan.

Kurash shunchaki sport turigina emas, balki insonning jismoniy, ma'naviy kamolotga erishish vositasidir. Ulug'

ajdodlar kurashni tarbiya maktabi deb atashgan. Ushbu maktab tarbiyalanuvchilarini, maydon ko'rganlarni esa quyidagicha ta'riflaganlar:

➤ Polvonlar qasam ichmaydilar, lekin hech qachon o'z yurtlariga xiyonat qilmaydilar.

➤ Polvonlar harom-harish, zinodan, makrdan, giyohvandlikdan nari yuradilar, bunday illatlarga qarshi kurashadilar.

➤ Polvonlar irodali odamlar, o'z maqsadi sari intiladigan, kim nima desa ergashib ketavermaydilar.

➤ Polvonlar zaiflar va nochorlarni himoya qiladilar, halol g'alabasiga berilgan sovrinning bir ulushini muhtojlarga tarqatadilar.

➤ Polvonlar oliyanoblik, insoniylik, raqibiga nisbatan chuqur hurmat tuyg'ulari bilan boshqalardan ajralib turadi.

➤ Polvonlar o'z qat'iy fikriga ega bo'ladi.

Kurashchilarga berilgan yuqoridagi ta'riflarda asrlar davomida shakllangan kurash falsafasi mujassamlashganini ko'rish mumkin. Ular quyidagilar:

❖ mustaqil dunyoqarash va erkin tafakkurni shakllantirish;

❖ hur fikrli, mutelik va jur'atsizlikdan xoli bo'lgan, o'z bilimi va kuchiga ishonib yashaydigan qat'iyatli insonni tarbiyalash;

❖ odamlar, ayniqsa, yoshlarning irodasini baquvvat qilish, immoni-e'tiqodini mustahkamlashga xizmat qiladigan ma'naviy muhit yaratish;

❖ inson tafakkurida o'zlikni anglash, muqaddas qadriyatlarni asrab-avaylash, mehr-oqibat kabi fazilatlarni yuksaltirish.